Менимча, диабет беморлари ҳаёт сифатини ошиши кўпинча ўз касаллигини билиш даражасига боғлиқ. Айтиш мумкинки, беморнинг тиббий билими даражаси — диабетни самарали даволашда асосий шифокордир. Фақат шундай бемор “персонал диабет”ни бошқара олиб, шифокор ёрдамига мурожат қилмасдан турли ҳолларда нима қилиш кераклигидан хабардордир.

Чунки диабет бемори эндоринолог қабулида 1 ойда бир марта 15-20 минутдан кўпроқ бўлмайди. Бошқа ҳамма пайт, яъни 99% ўзига боғлиқ.

Асоратлардан эҳтиёт бўлинг

ЎЛИМЛИК БЎЙИЧА диабет учинчи ўринда — юрак-қон томир ва онкологик касалликлардан кейин.

Лекин у одамда учрайдиган 30 000 касалликлар, масалан рак, миокард инфаркти, СПИД ва бошқалардан анчагина “ювош”, лекин қандли диабет 1 турида ҳам оғир ҳолатлар учрайди. Шунинг учун айрим ҳолларда (қайтаман — яхши инсулин, глюкометр, тест-япроқчалар борлигида) ва тўхтатмасдан бошқарувда у фаол ва узоқ ҳаёт кечиришга имкон беради. Айтилганларни ҳисобга олиб мен қандли диабет 1 тури ривожланишини даврларга бўлиб, шунга боғлиқ ҳолда уни организмга таъсирини аниқлашга ҳаракат қилдим.

Қандли диабет беморлари учун энг оғири бу тўртинчи даврдир, 60-80 ёш оралиғида, бу пайт диабетни ҳар куни бошқариш талаб қилинади, ҳумалог инсулини билан интенсив терапияга (асосий шартлардан бири) ўтилиб, суткасига камида 4-5 марта гликемия текширилади.

Агар оддий инсонда битта ёки бир нечта касалликлар бўлса, узоқ вақтдан бери касал бўлган диабет беморида тўртинчи даврда улар жуда кўпдир. Шунинг учун беморни даволашда куп мутахассислар — кардиолог, нефролог, окулист, уролог, жаррох, невропатолог, гастроэнтеролог, дерматолог, пульмонолог, отоларинголог ва ҳатто психиатр иштирок этиши керак.

Бу даврда доимий назоратни асосий объекти кўзлар, оёқ товони, буйрақлар бўлиши керак, чунки айнан шу аъзолар томирлари кўпроқ диабет билан зарарланади. Инобатга олиш керакки, қандли диабетда ЮИК ва миокард инфаркти ривожланиш хавфи 2 мартадан кўпроқ, буйрақлар патологиялари — 17 марта, оёқлар гангренази — 20 марта, кўрлик — 25 марта кўп учрайди.

Ва тўртинчи даврда, катта чегараланишга қарамадан тизимли равишда енгил жисмоний юктамаларни ва кун бўйи уйда диванда ёки телевизор олдида кунни ўтказмасдан юриш ва яна бир бор юришни қондасига амал қилиш керак.

Мен Ва Диабет

Билим бу хаёт

ШУНИНГ УЧУН хаммага ўз организми ва унга таъсир қиладиган касалликлар хақида кўпроқ билиш учун оммавий тиббий журналларга обуна бўлишни тавсия қиламан.

Махсус диабет журналлари ҳам борки, улар қандли диабетни кўп мураккаб муаммоларига мени кўзимни очди.

Махсус дастур асосида ёзилган “Диабет бемори ўқув қўлланмаси”ни нашр қилиш вақти келди. Мен ўнча диабет хақида китобларни кўриб чиқдим, лекин уларни хаммаси бир томонлама, диабет беморига эса кўп томонлама билимлар керак бўлиб улар албатта амалиётда қўлланиши керак, яъни диабет билан хар кунги мулоқот учун амалий қўлланма керак.

Хамма диабет беморларига агар қарши кўрсатмалар бўлмаса қишда хар куни ярим килогача сабзавот ва мевалар истеъмол қилиш тавсия қилинади, ёзда эса таркибидаги нон бирликларини ҳисобга олган ҳолда уларни миқдорини бир килогача ошириш мумкин. Агар томорқангиз бўлса, албатта иложи борица узоқ вақт хар куни смородина, земляника, малина, петрушка, сабзи ва бошқаларни организмни витаминлар, бошқа биологик фаол компонентлар, толалар ва минерал моддалар билан тўйинтириш керак.

Кўп диабет беморлари картошка, мевалар, лавлаги, сабзи, олмалар ва бошқаларни истеъмол қилишни чегаралаб қўйишади, лекин бу махсулотларда углеводлар миқдори нисбатан кўп эмас.

Маълумки, диабетда оғрик бўлмайди, яъни қонда қанд миқдори хоҳ баланд, хоҳ паст бўлсин бемор оғрик сезмайди. Шунинг учун диабет беморлари махсус мактабни ўтаганидан кейин хам шифокор тавсияларига бошқа беморлардан кўпроқ риоя қилмайдилар.

Шифокорларда бу нарсa кейинчалик оғир оқибатларга олиб келадиган “ўжар эътиборсизлик синдроми” деган номни олган. Шунинг учун, ёш диабет беморларига менинг асосий маслаҳатим: шифокор маслаҳатларига риоя қилиш ва диабетни бошқаришни ўрганиш. Қолган ҳолатларда эса оддий инсон бўлиб қолиб, узоқ ва қизикарли хаёт кечириш мумкин. Мана мен 70 йилдан кўпроқ қандли диабет 1 тури билан, “инсон” инсулинисиз, глюкометрсиз, тест-япроқчаларисиз, шприц-ручкаларсиз, махсус диабет мактабларисиз ва адабиётларсиз яшадимку. Буларни хаммаси бўлган шароитда сиз 70 йил ва ундан кўпроқ вақт тўла қонли яшашингиз керак!



71 год с диабетом

Я БОЛЕЮ инсулинозависимым сахарным диабетом (ИЗСД) 71-й год. Когда начал применять инсулин, то он был говяжий или свиной, неочищенный, хотя и стоил копейки. Такой инсулин вызывал у многих аллергию. Специальных лекарств, например ангиопротекторов, пероральных сахароснижающих препаратов, других специальных средств и, конечно, литературы по диабету не было вообще. В то время об «управлении диабетом», о «полноценной жизни при диабете» не могло быть и речи. Однако и сегодня в нашей стране диабет остается малоуправляемым. Потому что без соответствующей подготовки, без средств контроля, без современных сахароснижающих препаратов пациенту практически невозможно достигнуть главной цели — нормализовать сахар крови.

Мне пришлось прожить в таких условиях примерно 65 лет, поскольку всего несколько лет назад начал применять «человеческий» **инсулин**, эпизодически **шприц-ручку** и еще реже **глюкометр**. Как все это отразилось на моем здоровье? Известно, что до сих пор **диабет** — неизлечимое и прогрессирующее заболевание. Даже при современной терапии не всегда удается компенсировать углеводный, жировой, белковый и другие виды обмена, нарушенные при диабете. А в неблагоприятных условиях происходит расцвет **диабетических осложнений**. При большом стаже заболевания прогрессирует и сам диабет.

Поэтому мое состояние здоровья можно охарактеризовать так: инвалид II группы, **сахарный диабет 1-го типа**, тяжелой формы, лабильного течения; **диабетическая ретинопатия**; **диабетическая нефропатия**; дистальная **полинейропатия**; инфаркт миокарда, ИБС, постинфарктный кардиосклероз, стенокардия напряжения, артериальная гипертензия; атеросклероз сосудов головного мозга и нижних конечностей; энцефалопатия; эпилепсия (полиморфная форма); варикозная болезнь нижних конечностей, катаракта; недостаточность кардии; хронический антральный гастрит, хронический колит, чрезвычайно стойкая атония кишечника. Перенес несколько операций, в том числе удаление онкологической опухоли, сепсис, перитонит...

Мне идет 74-й год. Значит, можно почти нормально жить даже в возрасте более 70 лет, если еще продолжает трудиться организм, если пациент ему помогает.

Факты преодоления

В ОДИНОЧКУ обеспечивать всем необходи-

мым организм, пораженный **диабетом**, невозможно. Ведь это надо делать каждый час, каждый день и всю жизнь.

ФАКТ ПЕРВЫЙ. В одной из больниц после очередной операции вместе с антибиотиками мне занесли в кровь клебсиеллу. И хотя температура тела устойчиво держалась почти неделю 39,6°C, меня лечили только таблетками тетрациклина. Я угасал, прекратил есть, делать уколы **инсулина**, сахар крови поднялся выше 20 ммоль/л.

— Что же вы хотите, — сказал жене врач, — у него тяжелая форма диабета. И с ним может произойти все, даже самое страшное.

Такое заявление возмутило Татьяну. И она обратилась к заместителю главного врача больницы. Он обязал немедленно установить диагноз, а таблетки тетрациклина отменить. Через два дня был определен диагноз — «заражение крови». Дочь Надя нашла в аптеке необходимое лекарство и привезла его в больницу. И сепсис был ликвидирован.

ФАКТ ВТОРОЙ. Весной прошлого года я приобрела глюкометр, поскольку я без него не мог нормализовать сахар крови. Это оказалось весьма своевременным. С апреля у меня начались воспаления легких, которые повторялись все лето, а затем к ним присоединился гнойный бронхит. Температура тела повышалась до 41,2 — 41,3°C. При этом сахар крови превышал 20 ммоль/л. Однако, имея глюкометр, биосенсоры, мне удалось поддерживать гликемию в пределах 8–10 ммоль/л, что имело важное значение для успешного лечения воспалений легких.

ФАКТ ТРЕТИЙ. Однако, поздней осенью у меня вновь начались легочно-бронхиальные осложнения. И я был госпитализирован в отделение пульмонологии республиканской больницы. Меня уже ждала легочно-сердечная недостаточность, которая вкупе с тяжелой формой диабета, инфарктом и ишемией сердца могла завершить мою земную жизнь. После лечения заведующая, порекомендовала: «У вас слабая иммунная система, и поэтому мы советуем вам провести курс лечения бронхо-муналом, хотя он и очень дорогой».

Пришлось обратиться к заместителю главы администрации. Он выслушал меня, просмотрел мою историю болезни и так же спокойно мне говорит: «Я считаю, вам следует выписать бронхо-мунал по льготному рецепту».

Бронхо-мунал оказался чудодейственным средством. С тех пор прошел год, наиболее

неблагоприятный по погодным условиям, но меня не поразили ни ОРЗ, ни бронхит, ни воспаление легких, ни грипп, которые в осенне-зимние периоды меня обязательно навещали. Тыфу-тыфу! Как бы не сглазить!

Я описал только три факта, а по сути дела, их было значительно больше, целая жизненная цепочка, как у всякого диабетика с большим стажем.

Несколько частных замечаний и предложений по диабету

ГЛАВНЫЙ совет диабетикам — постоянно поддерживать сахар крови как можно ближе к норме.


У больных пожилого возраста диабет может переходить в лабильное течение и происходит потеря чувствительности к колебаниям концентрации глюкозы в кровяном русле. При этом возникает высокий риск развития комы, наиболее грозного осложнения диабета. Поэтому пенсионеры с ИЗСД, если они не имеют ежемесячно не менее 1000 руб. на лекарства и самые дешевые биосенсоры к аппарату «Сателлит» (лечить осложнения и 4–5 раз в сутки определять сахар крови), часто умирают «досрочно» от комы, хотя они могли бы еще жить и жить. Я не понаслышке знаю это тяжелое осложнение, поскольку сам недавно перенес глубокую кому.

На поздних стадиях при возникновении болезней внутренних органов и **осложнений диабета** обязательно их лечение в полном объеме.

В связи с ослаблением иммунной системы, особенно в 4-м периоде, возрастает угроза инфекционных заболеваний, в т. ч. воспалений легких, бронхита, гриппа и т. д., которые также требуют комплексной и эффективной терапии.

По моим наблюдениям, в определенных условиях может быть достигнута стабилизация и даже регресс сосудистых осложнений. Лет 25 назад это произошло с моими ногами. Как-то в сентябре, когда за лето организм насытился витаминами, другими биологическими активными компонентами, волокнами и минеральными веществами, я заметил, что состояние моих ног улучшилось. Возможно, на это повлияли также физическая работа на огороде и нормализация гликемии.

Мне представляется, что повышение качества жизни **диабетиков** во многом зависит от степени знания своей болезнью. Можно сказать, уровень медицинских знаний пациента — главный доктор в эффективной терапии диабета. Только такой больной может управлять «персональным диабетом», который знает, как это надо делать в различных ситуациях, не обращаясь к помощи врача. Ведь



диабетик бывает у эндокринолога не чаще одного раза в месяц 15–20 минут. Все остальное время, то есть 99%, он должен полагаться в основном на себя.

Берегитесь осложнений

ПО СМЕРТНОСТИ диабет занимает третье место — после сердечно-сосудистых и онкологических заболеваний. Но он значительно «смирнее», чем многие другие из 30 тысяч болезней, нацеленных на человека, как то: рак, инфаркт миокарда, СПИД и др., хотя и среди ИЗСД изредка встречается коварный «галолирующий» вид. Поэтому при соответствующих условиях (повторюсь — наличии хорошего инсулина, глюкометра, тест-полосок) и непрерывном управлении он позволяет прожить активную и долгую жизнь. С учетом сказанного я подразделил развитие ИЗСД на периоды и в зависимости от этого попытался определить его влияние на здоровье человека.

Для больных инсулинозависимым СД наиболее тяжелый четвертый период в возрасте от 60 до 80 лет, когда возникает крайняя необходимость в ежедневном управлении диабетом, в переходе на интенсивную терапию инсулином хумалог (одно из главных условий) при контроле гликемии не менее 4–5 раз в сутки.

Если у обычного человека может быть одно или несколько заболеваний, то у диабетика со стажем в четвертом периоде их целый букет. Именно поэтому непосредственное участие в лечении самого пациента должны принимать многие узкие специалисты — кардиолог, нефролог, окулист, уролог, хирург, невропатолог, гастроэнтеролог, дерматолог, пульмонолог, отоларинголог и даже психиатр.

В этот период основными объектами постоян-

ного контроля прежде всего должны стать глаза, ступни ног, почки, поскольку сосуды именно этих органов чаще всего поражаются диабетом. Следует учитывать, что при СД риск развития ИБС и инфаркта миокарда возрастает более чем в 2 раза, патологии почек — в 17 раз, гангрены нижних конечностей — в 20 раз, слепоты — в 25 раз. Хотя доктор не может предсказать диабетика конкретные сроки и темпы развития того или иного заболевания.

И в четвертый период, несмотря на значительные ограничения, необходимо систематически практиковать легкие физические нагрузки и по возможности ходьбу и еще раз ходьбу на свежем воздухе, а не сидеть целыми днями в квартире на диване или перед телевизором.

Знания — жизнь

ПОЭТОМУ всем рекомендую подписаться на популярные медицинские издания, чтобы больше знать о собственном организме и о тех болезнях, которые могут на него обрушиться.

Есть и специальная диабетические издания, которые в буквальном смысле открывали мне глаза на многие проблемы весьма сложной сахарной болезни.

Настала пора издать «Учебник диабетика», написанный по специальной программе. Я просмотрел порядка десяти книг по диабету и убедился в том, что все они грешат односторонностью, а пациенту необходим комплекс знаний с обязательным выходом в практику, в определенном смысле практическое руководство на все случаи его ежедневных взаимоотношений с диабетом.

Целиком и полностью поддерживаю предложения возвратиться к централизованному гарантированному обеспечению инсулином и другими сахароснижающими препаратами, а также средствами доставки инсулина и контроля гликемии за счет федерального бюджета.


Всем диабетикам, если нет противопоказаний, рекомендуется зимой употреблять ежедневно до 0,5 кг овощей и фруктов в любой кулинарной обработке, а летом их количество увеличить примерно до 1 кг, с учетом содержания в них хлебных единиц. Если имеется садовый участок, то в обязательном порядке как можно дольше ежедневно потреблять смородину, крыжовник, землянику, малину, петрушку, морковь и т. д., чтобы полностью «напитать» организм витаминами, другими биологически активными компонентами, волокнами и минеральными веществами.

Многие диабетики необоснованно ограничивают потребление картофеля, ягод, свеклы, моркови, яблок и т. д., хотя в них сравнительно небольшое содержание углеводов.

Как известно, слова «болезнь», «заболевание» происходят от слова «боль». Однако некоторые из них, как диабет, всю жизнь протекают

без болей. Какой бы сахар ни был в крови — низкий или высокий — пациент не ощущает боли. Именно поэтому диабетика чаще, чем другие больные, не выполняют рекомендаций врачей даже после окончания специальных школ.

У медиков это явление получило название «синдром упрямого пренебрежения», который впоследствии приводит к трагическим результатам. Поэтому главный мой совет молодым диабетикам: неукоснительно следовать рекомендациям врачей и научиться управлять диабетом. А в остальном можно быть обычными людьми и прожить долгую и интересную жизнь. Ведь прожил же я 70 с лишним лет с **инсулинозависимым диабетом** без «человеческого» **инсулина**, без **глюкометра**, без **тест-полосок**, без **шприц-ручек**, без специальных **диабетических школ** и литературы. Вам же при наличии всего этого сам Бог велел иметь полноценную жизнь длиной в 70 лет и более.



ЮРАККА ЯХШИ БУЛГАН НАРСА МИЯ УЧУН ХАМ ФОЙДАЛИ

Дунёда ўртача умр кўриш узунлиги ошгани сайин, шунчалик деменция ва эси пастлик кенг тарқала бормоқда. Швед профессори Лаура Фратиглиони бу хавфни камайтириш ҳаммани қўлидан келишини кўрсатди. Еш ўтиши билан эслаб қолиш қобилиятига бир қатор факторлар янада кучлироқ таъсир қила бошлайди — қон босими ва тана вазинидан тортиб, жисмоний ва ақлий фаолият туригача. Мутахассислар баҳосига кўра — ер шарида ҳозирда 24 млнга яқин инсон деменция билан оғир касалланган экан ва улардан кўпчилиги Альцгеймер касаллигидир. Яна ҳам ривожланган давлатларда ақли паст одамларнинг 70% 75 ёшдан ошганлар ташкил қилар экан. Фратиглиони қўл остидаги олимлар гуруҳи ақл пастликка олиб келувчи факторлар ва уларни олдини олиш имкониятларини ўрганишмоқда. Тадқиқотлар кўрсатишича ақл пастлик билан касалланиш хавфи қисман индивидуал генетик факторлар билан боғлиқдир ва ақлий, жисмоний ҳамда ижтимоий фаолиятда фаол қатнашишлик касалликнинг бошланиш вақтини орқага суриб, билим олиш қобилиятини сақлаб қолар экан. Қўшимча билим олиш бундан химояланишнинг яна бир турига киради, шунинг учун ўқиш ҳеч қачон кеч ҳисобланмайди.

«Мия организмнинг бошқа органлари сингари ўзига алоҳида машқ қилиш ва кўзгатишни талаб қилади — дейди профессор. — актив турмуш тарзини кечирадиган қариялар — ақлий, жисмоний ва ижтимоий — қайси тури билан шуғулланиш-лигидан катъий назар ақл заифлик билан кам касалланишади. Аниқланишича, қон босимини кўтарилишигина эмас балки семизлик ва ўрта ёшдаги диабет ҳам 70 ёшдан сўнг ақл заифликнинг ривожланишига олиб келиши мумкин экан. Бир гап билан айтганда юракка фойдали бўлган нарсა бош мия учун ҳам фойдалидир.

Ҳозирги кунда олимлар оддий кузатиш усулидан эксперимент усулига ўтишмоқда. Бу дегани бир неча йил ўтганидан сўнг нейродегенератив бузилишлар тўғрисида биз кўпроқ маълумотга эга бўламиз.

ЧТО ХОРОШО ДЛЯ СЕРДЦА, ГОДИТСЯ И ДЛЯ МОЗГА

Чем больше в мире становится средняя продолжительность жизни, тем шире распространена деменция, или слабоумие. Шведский профессор Лаура Фратиглиони показала, что буквально каждому по силам сократить этот риск. С возрастом на познавательную функцию оказывает всё более сильное влияние целый ряд факторов — от кровяного давления и веса до степени физической и умственной деятельности.

По оценке экспертов, во всём мире страдают деменцией примерно 24 млн. человек, причем у большинства это болезнь Альцгеймера. В более развитых государствах 70% людей со слабоумием — в возрасте 75 лет и старше.

Группа учёных под руководством Фратиглиони изучает факторы риска слабоумия и возможности их предотвращения. Исследование показало, что риск развития слабоумия частично определяется индивидуальной генетической предрасположенностью и что активное участие в умственной, физической и социальной деятельности может отсрочить начало развития расстройства, сохранив познавательные функции. Защитным эффектом обладает и дополнительное образование, так что учиться никогда не поздно.

«Мозг в той же мере, что и другие части тела, требует стимуляции и тренировки, — сообщила профессор. — Пожилые люди с активным образом жизни — умственным, физическим и социальным — меньше других рискуют пострадать от слабоумия, и не важно, чем именно они заняты. Выявлено, что не только повышенное давление, но и тучность, и диабет в среднем возрасте могут повысить риск развития слабоумия после 70 лет. Словом, что хорошо для сердца, то годится и для мозга».

Сейчас учёные продвигаются от простого наблюдения к экспериментам. Это значит, что спустя уже несколько лет мы будем знать больше о стратегиях профилактики нейродегенеративных расстройств.

ҚАНДЛИ ДИАБЕТЛИ БОЛАЛАР УЧУН КУЧУКЛАР

Австралия қамокларининг бирида махбуслар орасида Паско лақабли кучукча яшайди. Улар уни инсонлар ҳаётини сақлаб қолишга ўргатишади. Яқин кунларда “кавалеркинг-чарльз-спаниель” зотли итини диабет билан касалланган болага бериб юборишади. У эса ўз навбатида боланинг қанд миқдори пасайиб кетган ҳолатларда унинг ота онасига хабар бериб туради. Ҳозирги пайтда 12 ойлик кучукча инсон танаси ҳидининг ўзгаришини тўғри ажрата олишни ўрганиши керак: ширин, хул-мевалар ҳиди қонда глюкоза кўплигидан дарак беради, тахир ва нордон хидлар эса пастлигидан хабар беради.

Ширли лақабли кучукча эса бу нарсаларни фарқлай олади, ахир у бир йилдан ортиқ вақт мобайнида Буюк Британиядаги MedicalDetectionDogs марказида ўқитилган. Эндиликда Ширли 7ёшли диабетнинг оғир формаси билан касалланган Ребекка оиласида яшамокда, чунки унинг қанд миқдори бирданига пасайиб ёки кўтарилиб кетиши мумкин.

Кучук доим узининг васийлиги остидаги қизча билан биргадир. Улар хаттоки мактабга ҳам бирга боришади, ахир масалан қизчада оғир гипогликемик ҳолат кузатилса ва унга ўз вақтида ёрдам кўрсатилмаса у ҳолда қизча комага тушиши мумкин. Атрофдагилар эътиборини ўзига жалб этиш учун, Ребеккага инсулин инъекциясини қилиш ёки озгина ширинликни бериш зарур бўлганда Ширли ўз эгасини юзини ялай бошлайди. Агарда ҳеч бир қимса оғохлантиришга эътибор бермаса у ҳолда кучук аптечкани олиб, очиб бериши ҳам мумкин. “Барчаси жуда тез содир бўлади: ҳозирда Ребекка ўзини яхши ҳис этмокда, лекин сониялар ичида у хушини йўқотиши мумкин, - дейди унинг онаси. - шунинг учун Ширли бизга ҳақиқатдан ҳам ёрдам бермокда”.



СОБАКИ ДЛЯ ДЕТЕЙ С СД


... Среди заключённых одной из тюрем Австралии живёт щенок по кличке Паско, которого тамошние обитатели учат ... спасать человеческие жизни. Скоро этого пса породы «кавалеркинг-чарльз-спаниель» отдадут малышу, страдающему диабетом, чтобы Паско мог предупреждать его родителей, если у ребенка вдруг резко изменится уровень сахара крови. Сейчас 12-месячный щенок должен научиться правильно реагировать на изменения запаха тела человека: сладкие, фруктовые запахи свидетельствуют о высоком **содержании глюкозы в крови**, а прогорклые, кислые, — о низком.

А вот собака по кличке Ширли уже умеет это делать, ведь она более года «проходила обучение» в центре Medical Detection Dogs в Великобритании. Теперь Ширли живёт в семье 7-летней Ребекки, у которой тяжёлая форма диабета и в любой момент уровень сахара крови может либо резко повыситься, либо упасть.

Собака всегда рядом со своей подопечной и не отходит от неё ни на шаг. Даже в школу они ходят вместе, ведь если у девочки случится, например, тяжёлая **гипогликемия** и ей вовремя не оказать помощь, то она может впасть в кому. Чтобы привлечь внимание окружающих, когда Ребекке необходимо сделать инъекцию инсулина или дать немного сахара, Ширли начинает лизать лицо своей хозяйке. Если же никто не отреагирует на «предупреждение», то собака может даже достать и открыть аптечку.



ИЧКИ СЕМИРИШ – ДУШМАНДИР



Замонавий жамият кўпчилик давлатларда яшовчи одамларга одатий холга айланган ошқоча вазндан ҳам кўра жиддийроқ бўлган муаммога дуч келди. Суз жуда хавфли бўлган ички семириш хақида кетмоқда.

Уэйк Форест университети мутахассислари берган тадқиқот натижалари шу хақида далолат берадики, охири йилларда ғарб давлатларда яшовчи одамларнинг аксарият қисми ташқи семиришдан ҳам хавфлироқ бўлган қон томирлар ва ички органларнинг ёғ босиши касаллигига дучор бўлишмоқда.

Obesity («семизлик») журнаlining янги сонида чоп этилган тадқиқот маълумотлари ҳам шундан далолат берадики: ички семиришни аниқлаш ва ташхис қўйишни фақатгина тажрибали мутахассисларгина қўя олади, чунки одатда у ҳеч қандай ташқи кўринишларсиз кечади.

Ички семиришнинг асосий сабабига тўхталадиган бўлсак, мутахассисларнинг ҳисоблаши бўйича, бунинг асосий сабаби – ижтимоий характерга эга булган доимий стресслар туфайли келиб чиқади.

ВРАГ — ВНУТРЕННЕЕ ОЖИРЕНИЕ

Современному обществу пришлось столкнуться с проблемой, куда более серьезной, чем уже привычное для жителей многих стран наличие килограммов избыточного веса. Речь идет о крайне опасном внутреннем ожирении.

Специалисты из Университета Уэйк Форест представили результаты исследования, свидетельствующие, что в последние годы всё больше жителей западных стран страдают от ожирения кровеносных сосудов и внутренних органов, которое может быть даже более опасным, чем внешнее ожирение.

Результаты исследования, опубликованные в новом выпуске журнала Obesity («Ожирение»), также свидетельствуют, что обнаружить и диагностировать внутреннее ожирение сможет только опытный специалист, ведь, как правило, оно не сопровождается никакими внешними проявлениями.

Что же касается основной причины возникновения внутреннего ожирения, то, как считают специалисты, всё дело — в постоянных стрессах социального характера, регулярно переживаемых жителями западного мира.



«СЕКИН ТАЪСИР КИЛУВЧИ БОМБА»

Узоқ вақт давомида уйқунинг бузилиши соғлиққа жиддий таъсир кўрсатиши мумкин, дейди Уорвик Университетининг британиялик мутахассислари.

Нормал уйқунинг бўлмаслиги вақтдан олдин ўлим ҳолатларига олиб келувчи инсульт, юрак хуружлари ва юрак қон томир системаси касалликларига олиб келиши мумкин. Агар сиз кунига 6 соатдан кам ухласангиз ва уйқу бузилиши ҳолатларига эга бўлсангиз, юрак касалликлари ва ўлим ҳолатлари 48%га юқори, инсультдан ўлим ҳолатига олиб келиш эса 15%га тенг. Агар сиз кеч ётиб эрта уйғонишга ўрганиб қолган бўлсангиз, бу организмнгиз учун секин таъсир қилувчи бомба дейишади шифокорлар.

Шифокорлар 25 йиллик текширув натижасида 470мингдан зиёд одамларни 8 давлатлар орасида Япония, АҚШ, Швеция ва Буюк Британияни инобатга олган ҳолда, кўриб чиқиб буни яққол исботладилар. Аниқланишича, сурункали уйқусизлик организмдаги кимёвий моддаларни ва гормонларни активлаштирар экан, ва шу билан бирга қон босимини ва холестерин миқдорини кўпайтирар экан. Улар эса ўз навбатида юрак касалликлари ва инсультни келиб чиқишига, қандли диабетга ва семиришга олиб келар экан. Аксинча меъридан кўп ухлашлик (кунига 9 соатдан кўп бўлган уйқу) юрак қон томир касалликларига ҳам олиб келиши мумкин. Клиницистларнинг айтишича, кунига нормал 7-8 соатлик уйқу ҳаёт турмуш тарзини соғлом сақлашга ва ҳаётни ўзайтиришга олиб келар экан.



«БОМБА ЗАМЕДЛЕННОГО ДЕЙСТВИЯ»

Нарушение режима сна продолжительное время может иметь долгосрочные серьезные последствия для здоровья, предупреждают британские специалисты Университета Уорвика.

Отсутствие нормального сна приводит к инсультам, сердечным приступам и сердечно-сосудистым заболеваниям, которые часто чреваты ранней смертью. Если вы спите меньше 6 часов в сутки и имеете нарушения сна, риск развития сердечных болезней и смерти повышается на 48%, а риск смерти от инсульта — на 15%. Если вы привыкли поздно ложиться и рано вставать — это для организма «бомба замедленного действия», утверждают врачи.

Медики получили доказательства своих выводов в результате 25-летнего обследования свыше 470 тысяч человек из 8 стран, включая Японию, США, Швецию и Великобританию. Было выявлено, что хроническое недосыпание активирует гормоны и химические вещества в организме, которые увеличивают риск развития болезней сердца и инсульта, а также повышают давление и уровень холестерина, способствуют сахарному диабету и ожирению. Другая крайность — слишком длинный сон (более 9 часов в сутки) также может служить показателем заболеваний, включая сердечно-сосудистые. Клиницисты заключают, что нормальный 7—8-часовой сон жизненно важен для поддержания крепкого здоровья и увеличения продолжительности жизни.



Қандли диабет билан яшашни ўрганиш

Давоми. Бошланиши 2012 й. 1 сониди

Қандли диабет 1 тур беморлар учун қўлланма

Рахимжанова М.Т., Исмаилов С.И., Рахимова Г.Н.,
Ташманова А.Б., Алиева А.В.

Хурматли “Ўзбекистондаги Диабетнинг Ҳолати” журналининг ўқувчилари, биз қандли диабет 1 тур беморлар учун “Қандли Диабет Билан Яшашни Ўрганиш” қўлланмани чоп этишни давом этамиз. Қандли диабет 2 тур беморлари ҳам ўзлари учун фойдали ва қизиқ маълумотларга эга бўлиши мумкин.

Қандли диабетда ўз-ўзи назорат қилиш

Кенг маънода қандли диабетда ўз-ўзини назорат қилиш деганда – бу махсус ўқув жараёнида тайёрланган беморлар томонидан қондаги қанд кўрсаткичларини ва бошқа муҳим кўрсаткичларни, овқатланиш режимини, жисмоний фаолликни ва ўз субъектив туйғуларини баҳолаб ҳар хил вазиятда мустақил ечимини топишдир. Бироқ кўпинча «ўз-ўзини назорат» қилиш тор маънода қўлланилади ва бемор тарафидан мустақил равишда қондаги қанд миқдорини аниқлаш деб тушунилади (сўнгги йилларда қанд миқдорини сийдикда аниқлаш жуда кам қўлланилади).

Замонавий экспресс усуллар ёрдамида беморлар мустақил равишда модда алмашинувининг асосий кўрсаткичларини лабораторияда олинган рақамларига яқин аниқлашлари мумкин. Бу кўрсаткичлар ҳар кунги уй шароитда аниқланган бўлгани учун улар даволаш жараёнида, шифохона ёки поликлиникада олинган “гликемик” профилга нисбатан кўпроқ аҳамиятлидир.

Шуни тушуниш керакки, «ўз-ўзини назорат» қилиш деганда - бу фақатгина қанд миқдорини аниқлаш эмас, балки натижага кўра уларни баҳолаш ва даволашга маълум ўзгартиришларни мустақил киритишдир.

Ўз-ўзини назорат қилишдан мақсад: диабетни асоратларини: ўткир (диабетга оид кома) ҳам кеч намоён бўладиган (кўпчилик органларда кузатиладиган) сурункали асоратлари олдини олишдир, ўзини яхши ҳис қилиш (гипергликемия белгиларини бартараф этилиши); болаларда нормал жисмоний ривожланишни ва ўсишни таъминлаш, жамиятда тўлақонли ва юқори сифатли ҳаётга эришиш.

Ўз-ўзини назорат қилиш сони


Икки ҳафтада ёки бир ойда бир маротаба қанд миқдорини – яна фақат наҳорга аниқлаш (кўпинча бу поликлиникаларда амалга оширилади) мутлоқ етарли эмасдир. Олинган натижалар қониқарли бўлса ҳам, бундай назорат кундан кунга амалга ошириладиган ўзгаришларни кўрсата ололмайди; кун давомида қанд назорати бўйича тўлиқ маълумотга ҳам эга бўла олмаيمиз.

Ўз-ўзини назорат қилиш сони ҚД турига, компенсация ҳолатига, ёндош касалликларига боғлиқ бўлиб, уни сони кун давомида 3 мартадан ва ундан ортиқ бўлиши мумкин, энг камида кунига 3-4 маротаба бўлиши керак.

ҚД 1 тур беморларга тавсиялар: мустақил равишда ҚД 1 тур беморлар ҳар куни қанд миқдорини асосий овқатланишдан олдин (ёки инсулин қилишдан олдин, кўпчилик ҳолатларда бу вазият бир-бирига мос келади), яна кечки уйқудан

олдин амалга оширишлари керак. Овқатдан олдинги қанд миқдори меъёрига келтиргандан сўнг, овқатдан 2 соат кейин қанд миқдорини ўлчаб туриш мақсадга мувофиқдир. Қанд миқдорини ўлчаш олдинги қилинган инсулин инъекция таъсирини баҳолайди ва унинг кейинги миқдорини аниқлашга ёрдам беради. Вақт-вақти билан тунда қанд миқдорини ўлчаб туриш гипогликемия ҳолатларини ўтказиб юбормасликка имкон беради. Назорат қилиш сонини маълум бир ҳолатларда яна ҳам ошириш керак бўлади: масалан, ёндош касалликларда, саёхатга чиққанда, ҳомиладорликда, жисмоний машқ билан шуғулланганда ва б.х.

Ўз-ўзини назорат қилиш воситалари – бу тест-япроқчалари бўлиб, унга қон томизилади ва натижани эталон шкала ёки глюкометрларга кўйиб билиб олиш мумкин (расм 8).



Расм 8. Глюкометрлар

Глюкометрлар – бу портатив аппарат бўлиб, қондаги қанд миқдорини аниқлайди, улар тест-япроқчаларига қараганда бир нечта афзалликларга эга: ишлаш муддати (5 сониядан 1 дақиқагача), қон артиб ташланмайди, натижа одамни кўриш қобилиятига ва ёруғлик сезгисига боғлиқ бўлмайди, қон томчисини миқдори жуда кам, электрон хотираси мавжуд, автоматик равишда натижаларни ёзиб қолади ва бошқалар. Натижалар беморни махсус ўз-ўзини назорат қилиш кундалигига ёзилади. Бемор ҳар сафар шифокор қабулига борганда унга кундалигини кўрсатиши ва пайдо бўлган муаммоларни ҳал қилиши керак бўлади.

Ўз-ўзини назорат қилганда қандни қандай кўрсаткичларига эришиш лозим


Бемор ўзининг туйғуларига ишониб қанд миқдори меъёрида деб уйлаши ноўриндир, бунга сабаб бемор 4 дан 13 ммоль/л бўлган ораликдаги қанд миқдорини ўртасидаги фарқни сезмаслиги. Бундан ташқари кўпчилик беморлар узок вақтгача яхши компенсацияга эришмаган, юқори қанд кўрсаткичларида юриб ўрганиб қолгани учун, қанд миқдорини меъёрлашда даволашни бошланғич даврида гипогликемияга хос ҳолатга тушишади. Беморни ўзини яхши ҳис қилиши ҳар доим диабетни яхши компенсацияси дегани эмас. Шунинг учун беморни қанд миқдорини мунтазам равишда ўлчаб туришга кўндириш керак. Ёдда тутинг, диабетни асоратларини олдини олишни асосий гарови қанд миқдорини соғлом одам кўрсаткичига имкон қадар яқинлаштиришдир. Асоратлар ривожланиш жиддий хавфи оч қоринга 7 ммоль/л дан юқори бўлса, овқатдан сўнг 9 ммоль/л дан юқори бўлса юзага келади.

Шундай қилиб, беморни ўзини яхши ҳис қилиши ва ҚД ни клиник белгилари бартараф этилиши, лаборатор таҳлиллар билан тасдиқланиши керак яъни **ком-**

пенсация ҳолатига эришиш керак. Қонда қанд миқдори доимо баланд бўлиши ёки вақт-вақтида кўтарилиши **декомпенсация** дейилади, уларнинг оралиқ ҳолати – **субкомпенсация** деб номланади.

Қон томчисини олиш

Қон олиш учун махсус автоматик ручкалар мавжуд (улар бўлмаса махсус ланцетлардан ёки инсулин шприц игналаридан ҳам фойдаланиш мумкин). Одатда таҳлил учун қон томчиларини қўл панжа учларидан олинади (расм 9).



Расм 9. Қон томчисини олиш

Тешганда қўл панжасининг охириги фалангасининг учини ён қисмини тешиш керак, ёстиқчасини эмас. Бунга сабаб атрофдаги нарсаларга одатда ёстиқча билан тегилади, у оғриқли ва битиши секин бўлади. Таҳлилга қонни иккала қўл бармоқлардан, катта ва кўрсаткич бармоқлар бундан истисно, навбатма навбат олиш мумкин ва сиз яхши кўрадиган бармоқни ажратманг.

Тешишдан аввал қўлларни яхшилаб ювиб, қуруқ қилиб артиш керак. Уй шароитидаги текширувда терини спирт билан артиш шарт эмас. Агарда қон ёмон чиқса тешишдан аввал панжани яхшилаб укалаш мумкин.

Сийдикда (пешобда) қандни аниқлаш

Бир қатор сабабларга кўра, инсулин олувчи беморлар ўзини қанд миқдорини айнан қонда аниқлашлари керак, пешобда эмас (расм 10).



Расм 10. Пешобда қандни аниқлаш


- 1) Одатдаги пешоб таркибидаги қанд миқдорини ўлчаш, бир неча соат аввалги қондаги ўзгаришларни кўрсатади ҳозирги вақтда қанд миқдори қандайлигини кўрсатмайди, энг ёмони – бир суткалик глюкозурия ҳеч қандай маълумот бермайди.
- 2) Қандни пешобда манфий натижаси буйрак бўсағасини индивидуал тебранишига боғлиқ бўлиб қонда қанд миқдорини мақсадли кўрсаткичига эришилган, паст, юқори ва меъёр кўрсаткичларига мос бўлмайди.
- 3) Гипогликемияни аниқлаб бермайди.
- 4) Сўнгги йиллар талабига кўра барча инсулин билан даволанаётган беморлар мунтазам қонда қанд миқдорини аниқлаб туришса, пешобда аниқлаш шарт бўлмайди.

Узоқ муддат қонда қанд миқдорини назорати

Баъзи бир ҳолларда инсулин дозасини қонда қанд миқдорини доимий назоратида аниқлашга тўғри келади. Бунинг учун тери ости ёғ қатламига сенсор қўйилади, бу ўз ўрнида кичик бир доим одам ўзи билан олиб юрадиган мосламага уланади. Бу мослама ёрдамида қонда қанд миқдори ҳар 5 дақиқа яъни 288 та таҳлил 1 суткада аниқланилади. Сенсор 3-4 кун ишлаши мумкин. У қанд миқдорини тўқима суюқлигида аниқлайди ва кўрсаткичи қондаги қанд миқдorigа ўтказилади (бунинг учун кун мобайнида бир неча бор глюкометрда ўлчанган натижаларни сенсорга киритиш керак бўлади). Доимий назорат ёрдамида қонда қанд миқдорини ўзгаришлари, яъни энг юқори, паст даражалари аниқланилади. Сенсор ёрдамида гипер ва гипогликемия (одатда глюкометр ёрдамида аниқланмаган) кўрсаткичларини билиб олиш мумкин бўлади.

Кетон таначаларини назорат қилиш

Кетон таначаларини (ацетон) пешобда ёки қонда аниқлаш зарурияти қандни юқори кўрсаткичларида (14-15 ммоль/л ва ундан юқори), айниқса ёндош касалликларда (кўнгил айланиши, қусиш, температура ошиши ва б.х.) келиб чиқади (расм 11).



Расм 11. Пешобда кетон таначаларини аниқлаш

Кетон таначаларини аниқлаш учун бир нечта тест-япроқчалари мавжуд, асосан кетофен, урикет ва б. Буларни ҳаммаси ҚД ни декомпенсация ҳолатини ўз вақтида аниқлашга ва диабетга оид комани олдини олишга ёрдам беради.


Ўз-ўзини назорат қилиш кундалиги

